Тошкент оқшоми

2016 йил 17 июнь, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (13.186)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ғолиб Ғуломов олган сурат

ОФИЦЕРЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида битирув тантанаси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш жараёнида соҳани юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида ўқишни тамомлаётган ёшлар халқимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчни адо этишга йўл олмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи А.Қўлдошев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели яратилгани барча соҳа ва тармоқлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ихтисослашган таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизими шакллантирилгани бунда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун барча шароит яратилган. Таълим жараёни замонавий ахборот ва илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, намунавий ўқув режалари асосида олиб борилмоқда.

– Мазкур ўқув масканида ёнғин хавфсизлиги муҳандиси учун зарур билим ва кўникмаларни пухта эгалладик, – дейди ЎзА мухбирига курсант Баҳром Муҳиддинов. – Энди фаолиятимиз давомида бизга билдирилган юксак ишончни оқлаш учун бор маҳоратимизни ишга солишга ҳаракат қиламиз.

Н.НАСРИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақил Ўзбекистон тараққиёти ва истиқболи ёш раҳбарлар нигоҳида" мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

ИСЛОҲОТЛАР ЁШ МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

Академия ректори М.Алиев ва бошқалар мустақиллик халқимизни қарамликдан озод этиб, ору номусини тиклагани, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган танловда йигирма беш тингловчи ўзаро баҳслашди.

Уларнинг истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларга оид билими, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий саводхонлиги, нотиқлик маҳорати синовдан ўтказилди. Урф-одат ва анъаналаримиз, турли соҳаларда яратилган имкониятлар, эришилаётган ютуқ ва марралар, юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, жамиятимиздаги меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити ҳақида ижодий чиқишлар қилинди.

Танлов иштирокчилари Президентимизнинг 2016 йил 22 февралдаги "Ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва шу йил 24 февралдаги "Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 2 мартдаги "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти бўйича ўз билимларини намойиш этди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЛАТВИЯДАГИ ТАҚДИМОТИ

Латвиянинг Салацгрива шаҳрида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда мазкур шаҳар кенгаши, ўлка Думаси, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда сайёҳлик соҳасининг мутахассислари иштирок этди.

Учрашув чоғида ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатимизнинг бетакрор сайёҳлик имкониятлари, жумладан, ишлаб чиқилган янги саёҳат йўналишлари ва Ўзбекистоннинг ривожланган транспорт инфратузилмаси ҳақидаги атрофлича маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Шуни қайд этиш лозимки, тақдимот чоғида сайёҳлик соҳасида республикамиз минтақалари эга бўлган салоҳиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг сўлим гўшаларидан бири — Фарғона водийси, унинг иқлими, меҳмондўст аҳолиси, минтақа бағрида жойлашган тарихий ёдгорликлар, кўп тармоқли транспорт-коммуникация имкониятлари ҳамда юқори даражада хизмат кўрсатиладиган меҳмонхоналар ҳақидаги маълумотлар маросим иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Фарғона вилояти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши эса таассуротларни янада бойитди.

Тақдимотда мамлакатимиз пойтахтини Латвия билан, шунингдек, Хива, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз сингари сайёҳлик ганжиналари ва бошқа ҳудудлар билан боғлайдиган мунтазам ҳаво қатновларига доир маълумотлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Тадбир якунида унинг айрим қатнашчилари мамлакатимиз сайёҳлик индустриясининг ривожланиши тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Дагнис Страубергс, Салацгрива ўлкаси Думасининг раиси:

— Бугун тақдим этилган маълумотлар ҳамда минтақаларимиз ўртасида сайёҳлик жабҳасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш истиқболлари бизни фаол ҳамкорлик қилишга рағбатлантиради.

Биз, шубҳасиз, икки томонлама сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун мамлакатларимиз туркомпаниялари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга тайёрмиз. Бундан ташқари, ҳар икки томонда сайёҳлик инфратузилмасини равнақ топтириш, сайёҳлар учун аниқ саёҳат пакетларини ишлаб чиқиш соҳасида тажриба алмашиш юзасидан қизиқиш мавжуддир.

Лиене Соме-Тиеснесе, Салацгрива ўлкасидаги Сайёҳлик ахборот маркази директори:

— Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган сайёҳлик компаниялари ва туроператорлар билан ҳамкорликнинг янги қирраларини ўрнатиш ҳамда мавжуд ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш мамлакатларимиз ўртасидаги сайёҳлик алмашувларини ривожлантиришга кўмаклашади. Шу боисдан ҳам жорий йил октябрь ойида Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтадиган XXII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида иштирок этиш, ўзбек шерикларимиз билан тўғридан-тўғри амалий алоқаларни йўлга қўйиш ниятидамиз. Биз, шунингдек, республика минтақаларидаги мавжуд сайёҳлик салоҳияти билан бевосита танишиш ва саёҳатлар ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишни ҳам режалаштирганмиз.

"Жаҳон" АА.
Рига – Салацгрива

БАЙРАМОЛДИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Президентимизнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасидаги вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

ХДП марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда "ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси самаралари мамлакатимиз танлаган ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини кўрсатаётганини таъкидлади.

Тадбирда партиянинг дастурий мақсадлари ва электорати манфаатлари нуқтаи назаридан мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.

"Ким эдигу ким бўлдик, ўтмиш сабоқлари билан буюк келажак сари", "Ёшларни маънавий жасорат руҳида тарбиялаш – мустақилликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона ташқи сиёсат тинчлик ва осойишталигимизнинг асосий кафолати эканлиги эътироф этилди.

Тадбирда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Халқаро фуқаро авиациясининг "Аэропорт" ассоциацияси томонидан "Урганч" халқаро аэропорти 2015 йилнинг энг яхши аэропорти деб топилди.

● Андижонда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Навоийда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида "Академик ва эстрада ижрочилиги" танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитларни яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

● Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида ғўза майдонларини эгилувчан қувурлар ёрдамида суғоришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари тумандаги "Сори сув" фермер хўжалигида жорий этилган ғўзани эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш тизими ва унинг афзалликлари билан танишди.

● Оҳангарон туманидаги марказий истироҳат боғида "Ишбилармон талаба – 2016" стипендияси кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган танловда унинг куйи босқичларида энг яхши натижа қайд этган 54 иштирокчи қишлоқ хўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида яратган инновацион лойиҳалари, ўзлари тайёрлаган турли буюмлар, ҳунармандлик, амалий санъат маҳсулотларини намойиш қилди.

ЖАҲОНДА

● Италиянинг "Mazzanti Automobili" компанияси томонидан дунёдаги энг кучли енгил автомобиллардан бири тақдим этилди. "Millecavalli" номини олган мазкур транспорт воситасига қуввати 1000 от кучига эга мотор ўрнатилган. У 2,7 сонияда 100 км/соат тезликка чиқа олади. Энг катта тезлиги эса 400 км/соатга тенг.

● АҚШ ва Жанубий Корея астрофизиклари томонидан Кеплер телескопи орқали қўшалоқ юлдуз атрофидаги экзосайёра аниқланди. У шу турдаги йўлдошлар орасида энг йирикларидан бири бўлиб, олимлар унда ҳаёт кечириш мумкинлигини айтишмоқда. Бу экзосайёра тизими Ердан 3,7 минг ёруғлик йилига тенг масофа узоқликда жойлашган. Мутахассислар унинг ёши 4,4 миллиард йил деб тахмин қилишмоқда.

● "Реал" ҳужумчиси Криштиану Роналду "Forbes" нашри талқинига кўра ўтган йилнинг энг кўп маош ва мукофот пули олган спортчиси деб топилди. Яъни, охирги 15 йилдан буён бу борада биринчи ўринни кичик Флойд Мэйвезер эгаллаб келаётганди, бироқ боксчи фаолиятини якунлагач, вазият ўзгарди. Энди бу рейтингни биринчи марта футболчи бошқармоқда. Шундай қилиб Криштиану Роналду ўтган йили – 88 миллион АҚШ доллари ишлаб топган. Кейинги ўринларни Лионель Месси ("Барселона", футбол) – 81,4 ва Леброн Жеймс ("Кливленд", баскетбол) – 77,2 миллион АҚШ доллари билан эгаллаб турибди.

Битирувчи — 2016

МАГИСТР ВА БАКАЛАВР ДИПЛОМЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Айни кунларда шаҳримиздаги барча олий ўқув юртларида талабаларга диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Битирувчи — 2016" мавзуидаги тадбир ҳам юқори савияда ўтказилди.

Мазкур олий ўқув маскани узоқ тарихга эга, темир йўл соҳасининг барча йўналишлари бўйича етакчи кадрлар тайёрлаб берувчи олий таълим муассасаси ҳисобланиб ўзига хос нуфузга эга.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларидан бошлаб Тошкент темир йўл муҳандислари институти энг пешқадам ва замонавий олий ўқув юрти сифатида Ўзбекистоннинг илмий, иқтисодий, маданий ва маърифий ҳаётида катта из қолдирмоқда.

Тадбирда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Э.Қодиров, институт профессорлари А.Одилхўжаев, Ш.Файзибоев, Н.Нарзуллаев, М.Мирахмедов ва бошқалар сўзга чиқиб мамлакатимизнинг юксалишида ёшларнинг билим ва малакаси нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва давлатимиз томонидан уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар хусусида фикр билдирдилар.

Бугунги битирувчилар яқиндагина талаба бўлганидан хурсанд эдилар. Йиллар мобайнида талабалик дунёсида яшадилар, илм изладилар ва замонавий касбга эга бўлдилар. Энди эса олган билимларини халқимизнинг иқтисодий, моддий, маънавий ҳаётини янада фаровон қилишга сафарбар этадилар.

– Талабалик йилларимизда доимо бизларга устозлар йўриғи, тенгдошлар ибрати, аждодлар ўгити, ҳамроҳ бўлди, – дейди магистратура йўналиши битирувчиси Муборак Сагатова. – Айниқса устозларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бугунги талаба — эртага ўзбек зиёлиси эканлигини, ўз илми, тарбия кучи билан бошқаларни ўзига эргаштириб, жамият ривожига ҳисса қўшишлари лозим эканлигини англадик.

Тадбирда институт талабалари ижросида янграган куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар, қизиқарли саҳна кўринишлари барчага бирдай манзур бўлди.

Ҳа, талабалик — олтин давр. Унинг хотиралари эса оламга татигулик, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшишга шай турган олов қалбли ёшларимизга биз ҳам омадлар тилаб қоламиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади, турли мезонлар асосида ўлчайди. Айниқса, бугунги дунёда бу тушунча ғоят нисбийлашиб бораётгандай. Қайсидир мамлакатда инсон бир бурда нон топиши бахт бўлса, бошқа давлатда тинч-осойишта тонг отиши саодат.

Ёшлар — келажагимиз



ФАРЗАНДЛАРИМ КЕЛАЖАГИДАН КЎНГЛИМ ТЎҚ

Минг шукрки, жаннатмонанд Ўзбекистонимизда бу азиз неъматларнинг барчаси муҳайё. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида тиниқ тонгимиз, мусаффо осмонимиз, тўкин дастурхонимиз, фаровон ҳаётимиз, эзгу ниятларимиз рўёби, фарзандларимизнинг ёруғ келажагини таъминлашдек олий мақсадлар мужассам.

Бу неъматларнинг қадрига етишимиз, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз, Ватанимиз равнақи, жамиятимиз тараққиётига ўзимизни дахлдор деб билишимиз ва бунга муносиб ҳисса қўшишимиз ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Чунки истиқлол, ҳурлик, озодлик деган муқаддас тушунчалар, ўтган йигирма беш йил давомида қўлга киритилаётган юксак марралар, улкан ютуқлар осмондан тушгани йўқ, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Буни барчамиз чуқур англаймиз.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини кенг нишонлаш арафасида шу юртда яшаётган, ўзлигини англаган ҳар бир киши тарихга, яқин ўтмишига назар солса ва бугуни билан таққосласа, ҳаётининг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси уни бахту қувончга белаётганини, ёруғ манзиллар, буюк келажак сари элтаётганини ҳис қилиши шубҳасиз.

...Болаликдан бирга ўсган, тўн ёпишиб, оға-ини тутинган Эркин деган дўстим бор. Яқинда у имтиёзли кредит асосида ёш оилаларга бериладиган "Камолот" уйларидан бирининг соҳиби бўлди. "Муборак бўлсин!"га ўтолмай юргандим. Икки кун олдин қўнғироқ қилди.

– Сенда оқибат деган нарса борми ўзи? Яна жўра эмиш, – деди. Овозидан астойдил ранжиганини пайқадим.

– Яна нима бўлди? Ҳеч ишлашга қўймас экансан-да! – ҳазиломуз дакки бериб, вазиятни юмшатмоқчи бўлдим.

– Ўзим чақирмасам соянгни кўрсатмайсан. Отам келган. Сени сўраяпти. Оёғингни қўлингга ол-да, етиб кел.

Етиб борганимда, қаршимда янги, замонавий, кўп қаватли уйни кўриб, дўстимга ҳавасим келди. Уй атрофига чим ётқизилган, манзарали дарахтлар экилган, йўлаклар текис асфальт қилинган. Уй олдидаги болалар майдончасида болакайлар қийқиришиб, завқ билан ўйнаб юрибди. Кириб бордим. Тўкин дастурхон атрофида хонадон эгалари жамулжам ўтиришган экан.

– Уйлар муборак бўлсин, оға! – дедим Эркиннинг отасига. – Бу уйларда тўй-томошалар кўп бўлсин!

– Қуллуқ, қуллуқ! – деди у. – Президентимизга минг раҳмат! Сизларни "азиз фарзандларим" деб ҳар томондан қўллаб-қувватлаяпти, шароиту имкониятларни бисёр қилиб қўйибди. Мана шундай уйлар билан, мукофотлар билан сийлаяпти. Илоё, умрлари узоқ бўлсин! Эркинбой ҳам элга қўшилиб, меҳнати билан ризқини териб, юртига озгина нафи тегиб юрган эканки, давлатимиз унга ишонч билдириб, уй берибди. Буни эшитиб, кампирим иккаламизнинг қувончимиз ичимизга сиғмади, кўзларимизга севинч ёшлари қалқди. Гапнинг очиғи, мен отаси бўлиб бундай уй қуриб бера олмайман.

Нақадар самимий гаплар. У ёши олтмишдан ошган, кўпни кўрган, қалби дарё одам. Бир умр мактабда ўқитувчилик қилди, бугун фарзандларининг, невараларининг роҳатини кўриб, умргузаронлик қилмоқда. Ҳамма уни "муаллим" деб эъзозлайди. У киши билан гурунглашиб, зерикмайсиз. Ҳаётнинг маъносини англайсиз, бугунги дориломон кунларга беихтиёр шукроналар айтасиз.

– Саксонинчи йилларнинг охири эди. Институтни битириб, туман марказидаги мактабга йўлланма олдим, – деб ҳикоясини бошлади у. – Биров билан бировнинг иши йўқ, чекка қишлоқдан чиққан бир муаллимга кимнинг кўзи учиб турибди, денг. Отамнинг дуосини олиб, аёлим, атак-чечак қила бошлаган Эркинбой учовимиз, туманга йўл олдик. Бор-йўқ нарсамиз – гиламу кўрпача, коса, пиёла, битта хонтахта.

Бир неча ой ижарама-ижара, сарсон-саргардонликда юрдик. Кейин, бошпана қуриш учун ҳамкасбимнинг ҳовлиси этагидан озгина ер олдим. Эрталаб ишга кетаман, аёлим қўлида боласи билан лой қориб қўяди. Ишдан келиб, ғишт қуяман. Шундай қилиб, азза-базза кичкинагина икки хужрани тиклаб олганмиз.

Ҳозир у кунларни қулиб эслаймиз. Ўша пайтда бундай қийинчиликларни болаларимиз, невараларимиз кўрмасин, деганмиз. Худога шукр, кўрмаяпти.

Отахон ҳам барча ота-оналар сингари фарзандларига емай едирди, киймай кийдирди. Тарбия берди, элга қўшди. Бугун болаларининг бари олий маълумотли, ўз севган иши, касб-ҳунарига эга. Оиласи фаровон, ризқи бут, кўнгли хотиржам.

– Фарзандларимнинг, невараларимнинг келажагидан кўнглим тўқ, – дейди отахон.

– Улар биз ҳатто тушимизда ҳам кўрмаган мактабларда таҳсил оляпти, спорт билан шуғулланяпти, тил ўрганяпти, касб-ҳунарнинг бошини тутяпти. Гоҳида невараларимга қараб, яна бола бўлгим, улар билан мактабга боргим, ёруғ, кенг синфхоналарда таълим олгим келади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш борасида таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт каби кўплаб ижтимоий соҳаларда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасини бугунги ёшларимиз – ўғил-қизларимизнинг теран фикри, кенг дунёқараши, юксак салоҳияти, илму маърифатга чанқоқлиги, ўз олдига қўйган улкан мақсадлари сари дадил интилиши, қўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Эркиннинг қизи Азиза ўтган йили мактабга чиқди. Унга совға қилинган барча ўқув қуроллари – сумка, дафтар, китоб, қалам, ручка, дарсликларини мақтаниб: "Амаки, қаранг! Президент бобомиз менга совға берибдилар! Энди фақат аъло баҳога ўқийман!", деганди.

Кўз очиб-юмгунча биринчи синфни тугатиб қўйибди. Яқинда мактабда ўтган сўнгги қўнғироқ тадбирида синф раҳбари унга ўқув йилини аъло баҳоларга битиргани ва инглиз тилини яхши ўзлаштираётгани учун фахрий ёрлиқ топширибди. Азиза шуларни олиб келиб кўрсатди. Ҳаммамиз табрикладик.

– Жиянингни кўрдингми? – деди дўстим фахрланиб. – Қани, қизим, амакингга инглизча гапириб бер-чи.

Азиза кўзлари чақнаб, тўлқинланиб, "I love Uzbekistan! I am the happiest child of my Motherland!" деди. Маъноси "Мен Ўзбекистонни севаман! Мен Ватанимнинг бахтли фарзандиман!" дегани экан. Ҳаммамиз беихтиёр қарсак чалиб юбордик.

– Келажакда ким бўласан? – деб сўрадим ундан.

– Бобомга ўхшаган ўқитувчи бўламан! – қатъий жавоб берди.

Фарзандларимизнинг мурғак қалбидаги бу улкан орзулари рўёбга чиқиши шубҳасиз. Зеро, мустақиллик берган неъматлардан бахраманд бўлиб вояга етаётган келажагимиз эгалари биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, республикамиз молия бозорида нуфузли саналган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти ҳам юртимиз ободлиги ва равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилгандир.

Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Обиджоновнинг таъкидлашича, кейинги йилларда банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали молиявий хизматлар турларини янгилаб ҳамда кенгайтириб бораётган мамлакатимиздаги йирик молиявий муассасалардан биридир.

Банк томонидан кичик бизнес субъектларига жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга оширган ҳолда – 460 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

— 2016 йилнинг якунига қадар яна 650 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратишни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз, — дейди банкнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Нурбек Ҳусанов. — Ўтган 5 ой давомида банк ўзи учун белгилаб олган режани 101 фоизга бажарди. Биргина, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 35 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига қарийб 9 млрд. сўм кредит берилди.

Банк томонидан кичик бизнес субъектлари учун кредитлар ажратилишида бир қатор имтиёзлар қўлланилиб келинмоқда. Сўнгги пайтда кредитларни кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида аризалар электрон тарзда қабул қилинмоқда.

Банкда кичик бизнес субъектлари ва бошқа лойиҳаларни молиялаштириш учун 10 дан ортиқ хорижий молия институларининг кредит линиялари жалб қилинган.

"Ўзсаноатқурилишбанк" бугунги кунда паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Республикамиз аҳолисини узлуксиз озиқ-овқат билан таъминлаш учун паррандачилик корхоналарини ташкил этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил бошидан бугунгача 134,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, йилига 499,6 млн. дона тухум ва 12,3 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқарилишига эришилди.

Анжуманда келгусида ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк" ўз ресурс базасини шакллантириб, капиталлашув даражасини янада ошириш, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва инвестицион фаолиятини янада ривожлантиришга эътиборни қаратиши маълум қилинди.

З.ШАРИФЖОНОВ

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ривожланиш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган ушбу ташкилотлар ривожи учун қулай шароит яратгани таъкидланди.

2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолотлари тўғрисида"ги қонуни соҳа ривожида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган қатор қонунлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини янада кучайтирди.

Тадбирда ННТлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб ўтилди. Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор самарасида бугунги кунда бундай тузилмаларнинг сони 8 минг 500 дан ошди, улар турли йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот, тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, конунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни экспертиза қилиш бўйича самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Матбуот анжуманида ушбу ҳамкорликнинг кўлами, йўналишлари, мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумот берилди. Мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари Ўзбекистон республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасида белгилаб берилган.

ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР

Қуйидаги даромадларга эга бўлган жисмоний шахслар декларация тақдим этади — мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар ҳамда солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисидаги декларация тақдим этилмайди ва ўз навбатида қўшимча тўловлар юзага келмайди.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилнинг 1 январидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларида солиқ солинадиган даромаднинг иккинчи шкаласи 2015 йидаги 8,5 фоиздан 1 фоизли пунктга камайтирилиб, 7,5 фоиз қилиб белгиланган. Шунга кўра, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўсиб борувчи тартибда солиқ солинадиган даромаднинг энг кам иш ҳақининг бир бараваригача "0" фоиз, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1сўм), беш бараваригача миқдорга – 7,5 фоиз, беш бараваридан (+1сўм), ўн бараваригача миқдорга – 17 фоиз ва ўн бараваридан (+1сўм) ва ундан юқори миқдорга – 23 фоиз ставкада қўлланилади.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулклари юридик шахсларга ижарага берилганда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўлов манбаида ушлаб қолинади. Агар ушбу мол-мулк жисмоний шахсга ижарага берилган тақдирда, яъни тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, жисмоний шахснинг даромадларига декларация асосида солиқ ҳисобланади. 2016 йилда ижара шартномаси асосида берилган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи минимал ставкада, яъни 7,5 фоиз миқдорда солиққа тортилади.

Солиқ тўловчилар кўрсатилган даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин.

Солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий "www.soliq.uz" сайти орқали кўрсатилаётган "Электрон солиқ декларациялари" интерактив хизмати орқали жисмоний шахслар электрон ҳужжат кўринишидаги солиқ декларацияларини автоматлаштирилган ҳолда шакллантиришлари ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб, туман давлат солиқ инспекцияларига ташриф буюрмаган ҳолда интернет тармоғи орқали жўнатишлари мумкин.

Бунинг натижасида декларация тақдим этаётган фуқароларимиз ортиқча қоғозбозликдан ва маълумотларни тўплаш ишларидан озод этилиб, уларнинг қимматли вақтлари тежалади. Бир сўз билан айтганда, солиқ тўловчига ва солиқ идоралари ходимларига ҳам катта қулайликлар яратилган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 193-моддасида декларация бўйича солиқ тўлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлашлари лозим.

Агарда мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилиб, агар ўтган йил мобайнида тўланган суммалар ўртасида фарқ келиб чиқса, у жорий йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўланади.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида ҳам тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқарилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, декларация асосида ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Солиқ кодексининг 120-моддасига мувофиқ, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади ҳамда Солиқ кодексининг 62-моддасига асосан солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари қўлланилади.

Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ,
Чилонзор тумани ДСИ бошлиғи

Яна бир ўқув йили якунланиб, таътил бошланди. Кўпчилик болалар юртимизнинг сўлим гўшаларидаги оромгоҳларда дам олмоқда. Оиласи бағрида бўлишни истайдиган болажонлар учун умумтаълим мактаблари қошида кундузги дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда.



Ислом Исмоилов олган сурат

Ёз – 2016

КУНДУЗГИ ОРОМГОҲЛАР ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотига кўра, 15 июндан 15 августга қадар 851 кундузги оромгоҳда 138 мингдан зиёд ўғил-қиз фойдали машғулотларга жалб этилади. Бундан ташқари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" ижодиёт марказлари ёз мавсумида тўлиқ фаолият юритади.

Кундузги оромгоҳларда китобхонлик машғулотлари, тарихий масканлар, музейлар, санъат ва спорт мажмуаларига саёҳатлар уюштирилади. Бу каби тадбирлар ўқувчиларнинг кейинги ўқув йилини хуш кайфият билан бошлаши, билимларини мустаҳкамлашида муҳим аҳамиятга эгадир.

Тошкент шаҳрида 36 кундузги дам олиш маскани ўз фаолиятини бошлади. Уларда болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ушбу оромгоҳларда 7-13 ёшдаги 16 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олиши мумкин. Биринчи ўн кунликда дам олувчи 4300 дан зиёд ўқувчи учун "Салом, сенга оромгоҳ!" тадбирлари бўлиб ўтаётир. Тарбиячи сифатида жалб этилган умумтаълим мактабларининг саккиз юзга яқин педагоглари учун Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида ўқув машғулотлари ўтказилди.

Дам олиш масканлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида қўлланма ва тавсиялар тайёрланиб, барча оромгоҳларга етказилди. Ушбу масканлар "Оромгоҳ наволари" номи остида жамланган электрон дарслик ва қўлланмалар, мультфильмлар тўплами билан таъминланди. Мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари ҳам болажонлар хизматида.

"Саломатлик – туман бойлик", "Спорт – менинг ҳаётим", "Ватан туйғуси", "Биз бахтиёр авлодмиз" тадбирлари, қатор ижтимоий лойиҳалар болажонларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Кундузги оромгоҳларга жалб этилмаётган ўғил-қизлар учун таълим муассасаларидаги тўгараклар, спорт майдончалари, кутубхона ва маънавият хоналари ишлаб турибди.

– Кундузги оромгоҳларда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Равшан Эргашев. – "Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи", "Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳи", "Техник ижодкорлик оромгоҳи", "Бадиий ижодиёт оромгоҳи" сифатида ихтисослаштирилган тарзда фаолият олиб борадиган кундузги оромгоҳлар болаларга манзур бўлиши шубҳасиз. Бу ерда белгиланган соҳалар бўйича ўқувчиёшларга таълим-тарбия берилади.

Шаҳримиздаги 228 та умумтаълим мактаб қошида спорт соғломлаштириш майдончалари ташкил этилган. Ундаги икки мингдан зиёд тўгараклар қирқ мингдан ортиқ ўқувчини қамраб олиш имконига эга.

Муассасалардаги тўқиш, дурадгорлик, кулолчилик, либослар дизайни машғулотлари болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Доира, дутор, рақс, актёрлик маҳорати тўгараклари ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотса, турли фанларга, хусусан, чет тилларига оид машғулотлар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича билимини янада мустаҳкамлайди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ МУҲИМ МАСАЛА

Барчамизга яхши маълумки, ёз келиши билан мамлакатимизда ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, фуқароларнинг чўмилишга, сув ҳавзалари атрофида ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжи ортади. Бу жиҳатларнинг инсон саломатлиги учун фойдали томонлари кўп, албатта, у хавфсиз бўлса.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ёз мавсумини беталофат ўтказиш, чўмилиш жойлари бўлган канал ва дарёлар, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳолатларнинг олдини олиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, пойтахтимизда ҳам бу борадаги ишлар қизғин давом этмоқда.

Шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтадиган каналларда хавфсизлик чораларини кучайтириш, чўмилиш мумкин бўлмаган жойларга тақиқловчи белгилар ўрнатиш, керакли жойларга назорат постларини ташкил қилиш, оммавий чўмилиш ҳудудларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси ҳамда Қутқарув хизмати бошқармаси раҳбарлари иштирокида ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, Тошкент шаҳри ҳудудидаги мавжуд очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, дарё, каналлар ва анҳорларда жорий йилнинг ёз мавсумида хавфсизликни таъминлаш мақсадида шаҳар ички ишлар бош бошқармасига тегишли бошқармалар, туман ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давбионазорат хизмати билан ҳамкорликда шаҳар ҳудудида оммавий чўмилиш жойларининг ҳозирги ҳолатини жиддий ўрганиб чиқиш, уларнинг қўриқланиши, тиббий-санитария ҳолати, чўкиш билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг етарли даражада ташкил этилиши каби ҳолатларни ўрганиш, бу бўйича тегишли чоралар белгилаш юклатилган. Шунингдек, таълим соҳаси мутасаддиларига ёз мавсумида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўқувчи ҳамда талабалар ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш каби вазифалар белгиланган ва бу борада ишлар олиб борилмоқда.

Айтиш жоизки, пойтахтимиз ҳудудидан оқиб ўтадиган каналлардаги сув ҳароратининг пастлиги, улардаги оқимнинг тезлиги чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳолатларни юзага келтирмоқда. Шу боис туман ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, маҳаллалар посбонлари, "Камолот" ЁИҲ, Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси ҳамда ички ишлар бошқармаси ходимлари иштирокида текширув тадбирлари ташкил этилди. Унга кўра 15 дан ортиқ чўмилиш хавфли бўлган зоналар аниқланиб, у ерларда назорат постлари ташкил қилинди.

Канал ва анҳорларга яқин жойда истиқомат қиладиган аҳоли, ота-оналар, маҳалла фаоллари, посбонлар, профилактика инспекторлари ва бошқа масъуллар иштирокида тарғибот тадбирлари ташкил қилиниб, тақиқланган жойларда ёшларни чўмилишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги ва бу жуда яхши самара бераётганлиги ҳамда бу давом этиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Абдували СОДИҚОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳрида 2016-2017 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2016 йил 30 июндан 12 августгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқлари синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати:

1-ИМ (М-1,4)

12 июль ва 4 август кунлари — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Осиё, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1, ТошГРЭС турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

8 июль ва 29 июль кунлари — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув - 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

3-ИМ (М-1,4)

14 июль ва 11 август кунлари — Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Маннон Уйғур, Шифонур, Зиё, Қорақамиш кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1)

20 июль ва 9 август кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк кўчаси, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Нурафшон, Қорақамиш, Қорақамиш 1- кўчалари, М-1,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор) Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2,2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

18 июль ва 3 август кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод 1÷19 даҳалари.

5-ИМ (М-0,4)

